

**«Т А С Д И Қ Л А Н Г А Н»
«Hamkorbank» АТБ
акциядорларининг
2020 йил 19 марта
Навбатдан ташқари
умумий йигилиш томонидан**

Банк Кенгаси Раиси

И.И.Ибрагимов

**ЧЕТ ЭЛ КАПИТАЛИ ИШТИРОКИДАГИ
“НАМКОРБАНК” АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ
БОШҚАРУВИ ТҮҒРИСИДА”ГИ НИЗОМИГА
ЎЗГАРТИРИШЛАР**

№	Амалдаги таҳрир	Янги таҳрир
1.	29-бандга янги хатбоши киритилади.	<p>28-бандга қўйидаги янги таҳрирдаги 2-хатбошини киритиши:</p> <p>«банк акциялари Марказий банкнинг банк акцияларига эгаликка рухсат бериш ва чеклашда ўрнатилган талабларини бузуб сотиб олинган ҳолларда, бундай битим тузилган кундан бошлаб акцияларнинг эгаси банк бошқарувига номзодлар кўрсатиш хукуқига эга бўлмайди».</p>
2.	23-бандга янги хатбоши киритилади.	<p>23-бандга қўйидаги таҳрирдаги янги 2-хатбоши киритилсин:</p> <p>«Марказий банк акциядорнинг мувофиқлиги тўғрисидаги талабларга риоя қилинмаган ҳолларда банк бошқарувига аъзоликка номзодлар кўрсатиш хукуқига эга.»</p>
3.	<p>5-банд: Банк Бошқаруви Банкнинг мақсад ва вазифалари, стратегияси ва бизнес режасини бажаришга йўналтирилган Банкнинг жорий фаолиятини бошқарадиган Банк Бошқаруви Раиси раҳбарлигидаги Банкнинг коллегиал ижро органи ҳисобланади.</p>	<p>5-банд қўйидаги янги таҳрирда баён этилсин:</p> <p>«Банк бошқаруви Банк Бошқаруви Раиси раҳбарлигидаги ижро органи ҳисобланиб, банкнинг Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган стратегия, бизнес-режа ва фаолиятни бошқариш тизимига мувофиқ банкни тезкор бошқаришни амалга оширади ва банк фаолияти учун тўлиқ жавобгар бўлади.»</p>
4.	Янги 9 ¹ -банд киритилади.	<p>«Қўйидаги янги таҳрирдаги 9¹-банд билан тўлдирилсин:</p> <p>«9¹. Банк Бошқаруви қўйидагиларни амалга ошириши шарт:</p> <ul style="list-style-type: none"> ○ Банкнинг стратегик мақсадлари, корпоратив бошқарув сиёсати, бошқа ички сиёсатини, шу жумладан хатарларни аниқлаш, бошқариш, мониторингини олиб бориш ва хатарлар ҳақида хабардор қилиш, банк капиталини етарли даражада сақлаб туриш сиёсатини амалга ошириши; ○ Банкни бошқаришнинг тегишли ва шаффоф ташкилий тузилмасини, шу жумладан банк ходимлари ўртасида ваколатлар ва масъулиятнинг ўз ваколатлари чегарасида тақсимланишини таъминлаши;

		<ul style="list-style-type: none"> ○ банк ходимлари фаолияти устидан назоратни амалга ошириши; ○ қабул қилинган йиллик бизнес-режани бажариш, шунингдек қилинган ишлар, банкка нисбатан қўлланилган чоралар ва санкциялар тўғрисида вақти-вақти билан акциядорлар Умумий мажлисига ва банк Кузатув кенгашига ҳисобот тақдим этиши; ● банк устави ва банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчилик билан кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариши.»
5.	22. Банк Бошқарувининг сон таркиби 5 (беш) аъзога тенг. Банк Бошқарувининг аъзолари бир вақтнинг ўзида Банк Кенгashi ва Банк тафтиш комиссияси (бундан кейин – Тафтиш комиссияси) аъзоси бўла олмайдилар.	22-бандда “5 (беш)” сўзи “7 (етти)” сўзига ўзгартирилсин.
6.	Янги 22 ¹ -банд киритилади.	<p>Қуйидаги янги таҳрирда 22¹-банд билан тўлдирилсин:</p> <p>«22¹. Банк Бошқаруви аъзолари ўз ваколатлари чегарасида банк хатарларини самарали бошқариш, асосланган қарорлар қабул қилишни таъминлаш учун иш бўйича бенуқсон обрў-эътиборга, зарур тажриба, билимлар ва малакаларга эга бўлиши зарур.</p> <p>Банк бошқарув аъзоларининг банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчилик талабларига доимий мувофиқлигини таъминлаши шарт.</p> <p>Марказий банк Бошқарув аъзолигига кўрсатилаётган шахслар номзодини улар лавозимига киришишидан олдин келишади.</p> <p>Банк бошқаруви аъзолари иш берувчининг розилиги билан бошқа ташкилотларда ўриндошлик бўйича ишлашлари мумкин, уларнинг ишга жойлашиши манфаатлар зиддиятига олиб келиши мумкин бўлган бошқа банк</p>

		ёки ташкилотлар бундан истисно.»
7.	Янги 57 ¹ -банд киритилди.	<p>Қуйидаги янги таҳрирдаги 57¹-банди билан тұлдирисин:</p> <p>«57¹. Банк қуйидаги ҳолларда бошқарув аъзоларига мукофот тұлаш хукуқыга эмас:</p> <p>ушбу тақсимлаш оқибатида пруденциаль нормативлар Марказий банк томонидан ўрнатылған талабларга номувофиқ бўлиб қоладиган ёки бузиладиган;</p> <p>ушбу тақсимлаш оқибатида банк тўлов қобилиятини (банкротлик) йўқотадиган ёки тўлов қобилиятини (банкротлик) йўқотиш белгилари юзага келадиган;</p> <p>Марказий банкнинг кўрсатмаларидағи бажарилиши шарт бўлган, шу жумладан ахборотни ошкор қилиш қисми бўйича, камчиликлар бартараф этилмайдиган ёки уларни бартарф этиш имкониятлари бўлмайдиган;</p> <p>Банкка Марказий банкнинг фойдани тақсимламаслик тўғрисидаги талаби мавжуд бўлган ҳолларда.»</p>
8.	Янги 54 ¹ -банд киритилди.	<p>Қуйидаги янги таҳрирдаги 54¹-банд билан тұлдирисин:</p> <p>«54¹. Банк бошқаруви банкнинг тўловга қодир эмаслиги бошланганида ёки банкнинг унга мижозлари томонидан тақдим этиладиган даъволарни қондира олмаслик хавфи мавжудлигига дархол Марказий банкни хабардор қилиши зарур.»</p>